

Намозингда нима деб дуо қилдинг?



09:00 / 24.02.2023 3952

Уйда бўлмаганингизда фарзандларингизни намозини қандай қилиб текширасиз?

Оталардан бири айтади: «Ишим туфайли ҳафтада беш кун уйда бўлмайман. Афсуски, фарзандларим мен уйдалигимда намозни мунтазам ўқиб, бошқа вақтлар эса дангасалик қилиб, оналарини жуда толиқтиришди. Мен ишда бўладиган куним уларнинг намозини назорат қилиб туриш учун бир жадвал тузиб қўйдим.

Бу жадвалнинг ичига мен ишда бўладиган барча кундаги намозларни белгилаб чиқдим ва фарзандларимга бердим. У ерга ҳар ўқиган намози учун биттадан нуқта қўйилади. Ким кўп нуқта тўпласа, ўша фарзандга катта мукофот бераман деб ваъда бердим. Шу йўл орқали фарзандларим мен йўқлигимда ҳам намозни қолдирмайдиган бўлдилар. Аёлим ҳам фарзандларимга: «Анави жадвал нима бўляпти?» деб кифояланадиган бўлди. Бу гапни эшитган фарзандларим нуқталарни намозлар деб ҳисоблаб тезда бориб хотиржам намоз ўқиб олишар эди».

Баъзи оталар фарзандига: «Намоз ўқидингми?» дея савол бериб шу билан кифояланади. Мана шу савол орқали ўзи ва фарзандини олдидаги барча мажбуриятини бажардим деб ўйлайди. Афсуски, ундай бўлмайди. Фарзандларини кўпроқ тушунадиган ота уларни намозини ўқигани тўғрисида кўпроқ сўрайди. Жумладан, «Намозингни жамоат билан ўқидингми?», «Намозингда қайси сураларни ўқидинг?», «Сажда

қилганинда нима деб дуо қилдинг?», «Бемор акангни ҳам дуо қилдингми?», «Намоз ўқиганинда роҳатландингми?», каби ўхшаш саволларни беради.

Қизлардан бири айтади: «Онам менинг намозимни бир антиқа услуб билан сўрар эдилар. Яъни: «Намозингда нима деб дуо қилдинг?», «Саждангда нима деб дуо қилдинг?», «Рукуингда қайси дуони ўқияпсан?», деб кўп айтар эдилар. Бу саволлари мен саждада роҳатланиб дуо қилишимга сабабчи бўлди».

Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида

Хуршид Маъруф тайёрлади